

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ҲОТАМОВ БЕКЗОДЖОН ФАРҲОДОВИЧ

**ЗЎРИҚИШДАГИ БОШ ОҒРИҚЛАРИДА ПСИХОВЕГЕТАТИВ
ЎЗГАРИШЛАР ВА ПОСТУРАЛ БУЗИЛИШЛАР**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
медицинским наукам**
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in medical
science**

Ҳотамов Бекзоджон Фарҳодович

Зўриқишдаги бош оғриқларида психовегетатив ўзгаришлар ва постурал
бузилишлар 5

Ҳотамов Бекзоджон Фарҳодович

Психовегетативные изменения и постуральные нарушения при головных
болях напряжения..... 24

Hotamov Bekzodjon Farhodovich

Psychovegetative changes and postural disorders in tension
headaches..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 49

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АБУ АЛИ ИБН СИНО НОМИДАГИ
БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

ҲОТАМОВ БЕКЗОДЖОН ФАРҲОДОВИЧ

**ЗЎРИҚИШДАГИ БОШ ОҒРИҚЛАРИДА ПСИХОВЕГЕТАТИВ
ЎЗГАРИШЛАР ВА ПОСТУРАЛ БУЗИЛИШЛАР**

14.00.13 – Неврология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

БУХОРО – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2023.3.PhD/Tib3822 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб саҳифасида (www.tsdі.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ходжиева Дилбар Таджиевна
тиббиёт фанлари доктори (DSc), проф.

Расмий оппонентлар:

Ҳайдарова Дилдора Кадиrowна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Раимова Малика Мухамеджановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Етакчи ташкилот:

Жанубий Қозоғистон тиббиёт академияси

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат тиббиёт институти ҳузуридаги PhD.04/13.05.2020.Tib.93.02 рақамли илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118 Бухоро, Ғиждувоний кўчаси, 23. Тел/факс: (+99865) 223-00-50, e-mail:bsmi.uz)

Диссертация билан Бухоро давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200118 Бухоро, Ғиждувоний кўчаси, 23. Тел/факс: (+99865) 223-00-50.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ кунини тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Д.И.Тўқсанова

Илмий даражалар берувчи илмий
Кенгаш раис ўринбосари, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Н.Ш.Ахмедова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари
доктори, доцент

Г.А. Ихтиярова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотига кўра, бош оғриғи меҳнатга лаёқатсизликка олиб келувчи касалликлар орасида 3-ўринни эгаллайди. Дунёнинг турли мамлакатларида ушбу касаллик катта ёшли аҳоли орасида 50%гача учрайди, сурункали бош оғриқларидан 1,7-4% катта ёшли аҳоли азият чекади¹. Дунё миқёсида сўнгги 25 йил ичида неврологик касалликлар салмоғи аҳоли сони ошиши ва яшаш давомийлиги ошиши ҳисобига ўсди. Зўриқишдаги бош оғриғи энг кўп тарқалган неврологик бузилиш бўлиб, дунё бўйича 1,5 миллиард аҳоли азият чекади деб баҳоланади. Турли муаллифлар берган маълумотларга кўра зўриқишдаги бош оғриғи тарқалиши 20,6% дан 78% гача кўрсаткични ташкил қилади. Бош оғриғи сурункали шакли эпизодик шаклга нисбатан бемор деадаптациясига олиб келувчи узоқ муддатли ҳолат деб баҳоланади. Бутун жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра, 18 ёшдан 65 ёшгача бўлган аҳолининг тўртдан уч қисмида сўнгги бир йил ичида камида бир марта бош оғриқ хуружи кузатилади, сурункали бош оғриқлари эса 2-3% аҳолида кузатилади. Исталган оғриқ синдроми психовегетатив бузилишлар билан кечиши маълум². Шу сабабли жаҳон миқёсида бош оғриқлари бирламчи шаклларида психовегетив ўзгаришлар ва постурал бузилишларни олдини олиш ва даволашнинг самарали усуллари йўлга қўйиш бўйича бир қатор илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Дунёда олиб борилган кўп тармоқли изланишлар шуни кўрсатадики, зўриқишдаги бош оғриғида иммун тизим ва вегетатив тизимда ўзгаришлар динамикада турлича намоён бўлади, ҳамда ўзига хос симптомокомплекс билан намоён бўлади. Шуни ҳисобга олган ҳолда, зўриқишдаги бош оғриқлари тез-тез эпизодик ва сурункали турида беморлардаги клиник-неврологик, нейропсихологик, психовегетатив, постурал бузилишлар, нейрофизиологик ва невровизуал ўзгаришларни солиштирма ташхиси, беморларни эрта ташхислаш, этиопатогенетик асосланган даволаш ва профилактика усуллари таклиф этиш, даволаш самарадорлигини баҳолаш усуллари ишлаб чиқишни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва уни жаҳон талабларига тенглаштириш борасида мақсадли ва амалий тадбирлар амалга оширилмоқда, шу жумладан зўриқишдаги бош оғриғи мавжуд беморларда касалликни эрта ташхислаш ва комплекс даволашнинг самарадор усуллари ишлаб чиқиш, ҳар томонлама ва тўғри ёндашиш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик

¹Лихачев С. А., Глеб О. В., Чернуха Т. Н. Возможности лечения хронической головной боли препаратами ботулотоксин типа А //Российский журнал боли. – 2018. – Т. 56. – №. 2. – С. 39-40.

² Дума С.Н. Роль коррекции психовегетативного синдрома в лечении пациентов с головной болью напряжения. Журнал неврологии и психиатрии им. С.С. Корсакова. 2015;115(2):68-70..

усулларини жорий этиш...»³ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар беморларда зўриқишдаги бош оғриғини комплекс баҳолашда психовегетатив бузилишлар ва постурал бузилишларни ҳисобга олиш, даволашда ҳар томонлама ёндашиш долзарб илмий йўналишлардан бири бўлиб ҳисобланган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI.«Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бирламчи бош оғриқлари кўплаб олимлар томонидан ўрганилаётган муаммо бўлиб, чет эл ва Россия, Ўзбекистон тиббий нашрларида кўрсатиб ўтилган. Тадқиқотчилар томонидан зўриқишдаги бош оғриқларида (ЗБО) психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишлар ўсмир ёшдаги беморларда ўрганилган. Мигрень касаллигида постурал бузилишлар ўрганилган (Carvalho G.V., 2022; Salahki M., 2022; Leonardo B., 2022).

Тадқиқотчилар бош оғриқлари бемор кундалик ҳаёт фаолиятига таъсир этиб, ҳаёт сифатини яққол бузиши, турли коморбид бузилишлар (депрессия, уйқунинг бузилиши, соматоформ бузилишлар) билан бирга кечиши оқибатида ҳар доими ҳам мақбул даво усуллари танлана олмаслиги натижасида сурункали бош оғриғи мураккаб ижтимоий-тиббий муаммо даражасига чиқишини кўрсатиб ўтишган. Тадқиқотчилар томонидан бош оғриғи нейроиммунологик механизмлари ўрганилган (Прищепа А.В., 2017; Данилов А.В., 2017; Сергеев А.В., 2018).

Сўнгги йилларда мамлакатимизда олимлар томонидан бош оғриқларининг патогенетик механизмларини очиб беришга, касалликнинг ривожланиши ва клиник кечишига оид қатор илмий тадқиқотлар ўтказилган (Мажидова Ё.Н., 2017; Саноева М.Ж., 2020; Ахмедова Д.Б., 2021;).

Зўриқишдаги бош оғриқлари борасида кўп сонли тадқиқотлар ўтказилганлигига қарамадан, психовегетатив, ҳамда постурал бузилишлар борасида маълумотлар етарли эмас, бу эса мазкур муаммо бўйича батафсил клиник, нейровизуал, нейрофизиологик, лаборатор тадқиқотлар ўтказиш заруриятини кўрсатади. Хорижий ва маҳаллий манбалар маълумотларида бош оғриқлари профилактикасига ва даволашга нисбатан қарама-қарши маълумотларнинг учраши ушбу тадқиқотни ўтказишга сабаб бўлди. Келтирилган илмий ишда тиббиётда самарали ва эрта ташхислашнинг етакчи усулларидадан фойдаланган ҳолда зўриқишдаги бош оғриқларида психовегетатив бузилишларни коррекциялашга оид усуллар кенг очиб берилди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Бухоро давлат тиббиёт институтини илмий-тадқиқот

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5590-сон Фармони

ишлари режаси доирасида “COVID-19 билан касалланганидан кейин Бухоро вилояти аҳолисининг соғлиғига таъсир қилувчи организмнинг патологик ҳолатини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янгича ёндашувларни ишлаб чиқиш (2022-2026 йй)” мавзусида олиб борилди (01.2022.PhD.152).

Тадқиқот мақсади. Зўриқишдаги бош оғриқларида психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишларни ўрганиш, даволашни оптималлаштириш.

Тадқиқот вазифалари:

зўриқишдаги бош оғриғи сурункали ва тез-тез эпизодик тури мавжуд беморлар клиник- неврологик хусусиятини ўрганиш;

зўриқишдаги бош оғриқларида клиник турларига мос равишда постурал бузилишларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш;

зўриқишдаги бош оғриғида нейровизуал, нейрофизиологик, стабилOMETрик текширув натижаларини ҳамда бемор ҳаёт сифатини баҳолаш;

зўриқишдаги бош оғриқ сурункали ва тез-тез эпизодик турида психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишларни эрта ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти. Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази неврология бўлими ва “Мехриғиё шифо тиббиёт” хусусий клиникаси неврология бўлимида стационар шароитда даволанган 18 ёшдан 59 ёшгача бўлган 117 нафар бемор танланган.

Тадқиқотнинг предмети. Зўриқишдаги бош оғриғи диагнози қўйилган беморлар.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун клиник-неврологик, стабилOMETрик, нейровизуал, лаборатор ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

зўриқишдаги бош оғриғида постурал бузилишларнинг вегетатив ўзгаришлар билан корреляцияланиши исботланган;

хуруж орасида ЗБО мавжуд беморларда координатор бузилишлар кузатилиши аниқланди, бунда ёпиқ кўз билан хуруж оралиғида стабилOMETрик бузилишлар кучаяди, бу айниқса фронтал текисликда СЗБО беморларида кучли намоён бўлиши аниқланган;

СЗБО да бемор ҳаёт сифати сезиларли пасайиши ва стабилOMETрик тренинг стандарт давога қўшиб олиб борилганда жисмоний фаоллик, ролли жисмоний фаоллик, оғриқ интенсивлиги, саломатлик умумий ҳолати, ҳаётга лаёқатлилиқ, ролли эмоционал фаоллик ишончли яхшиланганлиги, тез-тез эпизодик ЗБОда саломатлик ҳолати ва ҳаётга лаёқатлилиқ ишончли яхшиланганлиги исботланган;

зўриқишдаги бош оғриғи психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишлар билан кечганда комплекс даволашда стабилOMETрик тренинг усули самарадорлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат: зўриқишдаги бош оғриқлари бўлган беморларда даволашдан олдинги ва даволашдан

кейинги неврологик бузилишларнинг динамикаси тахлили қилиниб, эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

мавжуд бўлган ташхислаш дастурлари асосида невролог ва умумий амалиёт шифокорлари учун зўриқишдаги бош оғриқлари бўлган беморларнинг ташхислашдан кейинги даврда дифференциал даволаш алгоритми ишлаб чиқилган;

зўриқишдаги бош оғриқларида постурал бузилишлари мавжуд бўлган беморларни эрта ташхислаш имконини берувчи комплекс нейрофизиологик ва стабилонетрик текширувлар стационар ва амбулатор шароитга фойдаланиш учун таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Натижаларнинг ишончилиги замонавий, бир бирини тўлдирувчи клиник, клиник-ускунавий, лаборатор, махсус ва статистик услубларнинг қўлланилиши, клиник материалнинг етарлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий тасдиқланиши, маҳаллий ва ҳорижий тадқиқотчилар маълумотлари билан солиштиришда ишончилиги, келтирилган хулосалар асосланганлиги, уларнинг ваколатли идоралар томонидан тасдиқланганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Олинган илмий маълумотлар асосида зўриқишдаги бош оғриғи клиник - неврологик статусни баҳолаш, психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишларни ўрганиш, бу кўрсаткичларнинг касаллик оқибатига таъсирини динамикада баҳолаш орқали даво самарадорлигини баҳолаш ва комплекс даволашда ишлаб чиқилган тадбирларни амалиётда қўллаш учун амалиётчи неврологларга тавсия этилган.

Илмий иш натижаларининг назарий асослари тиббиёт олийгоҳларида неврология фани бўйича ишчи дастурларга, маърузалар матнларига киритиш, ҳамда талабалар мустақил ишлари учун янги манба сифатида таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши:

зўриқишдаги бош оғриқ мавжуд беморларда психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишлар кузатилганда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейровизуал текширувлар динамикаси бўйича олинган илмий натижалар асосида амалиётга татбиқ қилиш материаллари ишлаб чиқилган;

зўриқишдаги бош оғриқ мавжуд беморларда психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишларни комплекс даволашдан олинган илмий натижалар асосида «Зўриқишдаги бош оғриқларида стабилонетрик бузилишлар эрта ташхисотини такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Бухоро давлат тиббиёт институтининг Эксперт Кенгашининг 2024 йил 28-октябрдаги № 24-м/077 сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижаси беморларда психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишларни эрта баҳолаш имконини берган;

зўриқишдаги бош оғриқ мавжуд беморларда психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишлар мавжуд беморларда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик ва нейровизуал

текширувларни корреляцион таҳлили ҳамда даволашда физиотерапия, психотерапиянинг қўлланилиши бўйича олинган илмий натижалар РШТЎИМ БФ, Навоий вилояти, Навоий шаҳар тиббиёт бирлашмасида клиник амалиётга тадбиқ этилган. ССВ илмий техник кенгашининг 10.12.2024 йил 10-сонли хулосаси.

Биринчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Зўриқишдаги бош оғриғида постурал бузилишлар ва вегетатив ўзгаришлар ўртасидаги корреляциянинг аниқланиши, мутахассисларга беморларнинг саломатлик ҳолатини яхшироқ баҳолаш ва даволаш стратегиясини белгилашга ёрдам беради. Бош оғриқлари ва постурал бузилишлар ўртасидаги ўзаро алоқа организмнинг вегетатив нерв тизимига таъсир кўрсатади, бу эса беморларнинг жисмоний ва психологик ҳолатини яхшилаш учун самарали даволаш методларини ишлаб чиқишга йўл очади. Бу, ўзига хос тарзда, беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш, уларнинг ишлаш қобилиятини тиклаш ва турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, бу илмий янгилик ижтимоий самарадорликни таъминлайди ва тиббий ёрдамнинг самарадорлигини оширишга кўмаклашади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги.** Зўриқишдаги бош оғриғи ва постурал бузилишлар ўртасидаги корреляциянинг аниқланиши, беморларнинг даволаш жараёнида қўшимча, юқори харажатли текширувлардан, хусусан, неврологик анализлардан воз кечиш имконини яратади. Бу, ўз навбатида, беморлар учун тўловларни камайтиради ва тиббий хизматлардан фойдаланишни самарали ва арзонлаштиради. Ушбу методика ҳар бир бемор учун 200 000 сўмдан 300 000 сўмгача иқтисодий тежаш имконини беради. **Хулоса.** Зўриқишдаги бош оғриғи ва постурал бузилишлар ўртасидаги корреляциянинг аниқланиши, вегетатив ўзгаришларнинг жисмоний ва психоэмоционал ҳолатга таъсирини яхшилашда самарали ташхислаш ва прогнозлаш мезонларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Бу илмий янгилик касалликнинг оғирлик даражасини баҳолаш, беморларга самарали даволаш тактика ва стратегияларини ишлаб чиқиш имконини беради. Натижада, ҳар бир бемор ҳисобидан бюджет маблағларини 100 000 сўмдан 150 000 сўмгача, бюджетдан ташқари маблағларни эса 250 000 сўмгача тежаш имкони яратди.

Иккинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Хуруж орасида ЗБО (Зўриқишдаги бош оғриқлари) мавжуд беморларда координатор бузилишларининг аниқланиши, тиббий амалиётда янги ва самарали ташхислаш усулларини ишлаб чиқишга ёрдам берди. Хуруж орасида ёпик кўз билан олиб борилган тестлар натижасида, стабиллометрик бузилишларнинг кучайиши, айниқса фронтал текисликда СЗБО беморларида кучли намоён бўлишини аниқлаш, беморларнинг реабилитация жараёнини самарали ташкил қилиш учун катта аҳамиятга эга. Бу янги усуллар, беморлар учун даволашнинг аниқ ва самарали йўллари ишлаб чиқишга имконият яратади, шу билан уларнинг иш ва турмуш даражасини яхшилашга ёрдам беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги.** ЗБО мавжуд беморларда координатор бузилишларини аниқлаш ва стабиллометрик бузилишларни даволаш орқали, қўшимча, қиммат бўлган неврологик

текширувлардан ва инвазив процедуралардан воз кечиш имконияти яратади. Бу эса беморлар учун иқтисодий тежашни таъминлайди. Тадқиқот натижаларига кўра, стабилOMETрик тренинг ва хуруж орасидаги бузилишларнинг аниқланиши ҳар бир бемор учун тахминан 150 000 сўмдан 200 000 сўмгача тежаш имкониятини беради, бу эса умумий ҳисобда 1000 бемор учун 15 000 000 сўмдан 20 000 000 сўмгача маблағни тежашга имкон яратади. **Хулоса.** Хуруж орасида ЗБО мавжуд беморларда координатор бузилишларини аниқлаш, ёпиқ кўз билан стабилOMETрик бузилишларнинг кучайишини кўрсатади. Фронтал текисликда СЗБО беморларида бу бузилишларнинг кучли намоён бўлиши, реабилитация ва даволаш стратегиясини оптималлаштиришга ёрдам беради. Ушбу ишланмалар тиббий хизматлар самарадорлигини ошириши, шу билан бирга беморлар учун иқтисодий тежаш имкониятини яратиши мумкин. Таъкидлаш керакки, ҳар бир бемор учун индивидуал даволаш курсларини ишлаб чиқиш, тиббий сарфларни камайтиради ва беморлар ҳолатини тезкор яхшилашга имкон берди.

учинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. СЗБО (стабилOMETрик бузилишлар орасида) мавжуд беморларда ҳаёт сифатида сезиларли пасайишлар кузатилгани, янги даволаш методларини ишлаб чиқишга катта ёрдам бермоқда. СтабилOMETрик тренингнинг стандарт давога кўшилиши натижасида жисмоний фаоллик, ролли жисмоний фаоллик, оғрик интенсивлиги, саломатликнинг умумий ҳолати, ҳаётга лаёқатлилиқ, ва эмоционал фаолликнинг ишончли яхшиланиши аниқланди. Шундай қилиб, ушбу илмий янгилик ижтимоий самарадорликни таъминлаш билан бирга, пациентларга тиббий ёрдамни янада самарали ва сифати юқори тарзда кўрсатиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги.** СтабилOMETрик тренингни стандарт давога кўшиб олиб бориш орқали, беморларда жисмоний фаоллик ва саломатлик ҳолатининг яхшиланиши, тиббий хизматларнинг самарадорлигини оширади ва даволаш харажатларини сезиларли даражада камайтиради. Мазкур тренинг усули, беморлар учун юқори харажатлардан, масалан, кўшимча реабилитация курсларидан ёки мураккаб инвазив текширувлардан (неврологик таҳлиллар, биопсия ва бошқа процедуралар) воз кечиш имконини яратади. Бу эса ҳар бир бемор учун тахминан 250 000 сўмдан 350 000 сўмгача иқтисодий тежаш имкониятини яратади, умумий ҳисобда 1000 нафар бемор учун умумий 25 000 000 сўмни тежашга олиб келади. **Хулоса.** СЗБО мавжуд беморларда ҳаёт сифатида сезиларли пасайишларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш учун стабилOMETрик тренингнинг стандарт давога кўшилиши натижасида жисмоний фаоллик, оғрик интенсивлиги, саломатлик ҳолати ва ҳаётга лаёқатлилиқ яхшиланиши ишончли равишда исботланган. Натижада, ҳар бир бемор ҳисобига бюджет маблағларини тахминан 150 000 сўмдан 200 000 сўмгача, бюджетдан ташқари маблағларни эса 350 000 сўмгача тежаш имкони яратилади.

тўртинчи илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги. Зўриқишдаги бош оғриғи билан бирга психовегетатив ўзгаришлар ва

постурал бузилишлар кузатилганда, комплекс даволаш усулларида бири сифатида стабилотрикер тренингнинг самарадорлиги аниқланди. Тадқиқот натижалари кўрсатишича, стабилотрикер тренинг жисмоний ҳолатни, мувозанатни ва қўл- оёқ ҳаракатларини яхшилашга ёрдам бериб, ҳаёт сифатида сезиларли яхшиланишга олиб келган. Ушбу усул, тиббий амалиётга киритилиши билан, бош оғриқлари, психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишлар билан касалланган беморлар учун самарали ва узоқ муддатли даволаш имкониятини тақдим этади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги.** Зўриқишдаги бош оғриғи ва постурал бузилишларнинг комплекс даволашида стабилотрикер тренингнинг самарадорлигини таъминлаш, беморларга қўшимча, қиммат бўлган мураккаб текширувлардан ва инвазив процедуралардан воз кечиш имконини беради. Бу эса тиббий хизматларда тежеишларга олиб келади, чунки қўшимча морфологик ва неврологик текширувлар учун бўлган харажатлар камаяди. Тадқиқот натижаларига кўра, стабилотрикер тренинг усули ҳар бир бемор учун тахминан 200 000 сўмдан 300 000 сўмгача иқтисодий тежаш имкониятини беради, бу эса тадқиқотда иштирок этган беморлар учун умумий ҳисобда 30 000000 сўмдан 45000000 сўмгача тежаш имкониятини яратади. **Хулоса:**Зўриқишдаги бош оғриғи, психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишлар билан кечганда комплекс даволашда стабилотрикер тренинг усулининг самарадорлиги аниқланди. Бу усулнинг қўлланилиши бош оғриғи, мувозанат бузилишлари ва психовегетатив бузилишларнинг камайишини таъминлаб, беморларнинг саломатлик ҳолатини сезиларли даражада яхшилади. Шунингдек, тиббий хизматлар самарадорлигини оширади ва иқтисодий тежаш имкониятини яратади, бу эса беморларга юқори самарали, арзон ва кам харажатли даволаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 1 та ҳалқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижасини чоп этиш тавсия этилган нашрларда шундан 9 та мақола, жумладан, 7 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган. 1 та ЭХМ дастури ишлаб чиқилган. 1 та услубий қўлланма чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсия, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 100 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг биринчи боби “Зўриқишдаги бош оғриқларида психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишларнинг замонавий талқини” деб номланган бўлиб, уч бўлимдан иборат, зўриқишдаги бош

оғриғи (ЗБО) тарқалиши ва ривожланиш омиллари, ташхислаш, даволаш, қиёсий ташхис ва олдини олиш борасида, шунингдек психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишлар борасида маълумотлар чуқур ёритилган. Адабиётлар шарҳи орқали сўнгги 10 йилда қўлланилган ва тавсия этилган даволаш усулларининг афзаллиги ва камчилиги назарий таҳлил қилинган, шунингдек, муаммонинг ҳал қилинмаган ёки аниқлик талаб қиладиган жихатлари кўрсатилган.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Зўриқишдаги бош оғриқлари материал ва усуллари”** деб аталиб, клиник материал ва тадқиқот усулларининг умумий тавсифига бағишланган, шунингдек, олинган натижани статистик қайта ишлаш усуллари келтирилган. Илмий-тадқиқот иши стационар ва амбулатор шароитида даволанган ЗБО ташхиси мавжуд 117 нафар беморнинг клиник-неврологик, нейропсихологик, инструментал текширув услублари таҳлилларига асосланган. Беморлар ёши ёши 18-59 (ўртача ёши $30,32 \pm 8,69$). Беморлар ЖССТ нинг 2017 йилда тавсия этган ёш мезонларига кўра ажратилди. Уларнинг 39(26,53%) нафарини эркаклар ва 108(73,47%) нафарини аёллар ташкил қилади. Беморларнинг ёши бўйича тақсимланишининг ўзига хослиги барча ёшдаги гуруҳларда аёллар устун келмоқда. Тадқиқотдан кўзланган мақсадни амалга ошириш учун беморлар 2 гуруҳга ажратилган: 1-гуруҳ беморларда сурункали зўриқишдаги бош оғриқ мавжуд постурал бузилишлар кузатилган беморлар (72 нафар). 2-гуруҳ тез-тез эпизодик зўриқишдаги бош оғриғи мавжуд ва постурал бузилишлар кузатилган беморлар (45 нафар). Назорат гуруҳига-30 нафар кўнгилла шахслар олинган. Беморларни ташхислаш мезони сифатида халқаро бош оғриғи таснифи 3-кўриш (2018 йил) олинган.

Барча беморларда клиник-неврологик, нейропсихологик, нейрофизиологик, стабиллометрик ва нейровизуал текширувлар ўтказилган. Оғриқни баҳолаш мақсадида Мак-Гилл сўровнома, HALT индекси, сурункали оғриқни қабул қилиш сўровномаси (CRAQ-R) ўтказилган. Соғлиқ умумий ҳолатини баҳолаш мақсадида Стюарт ва хамкасблари томонидан ишлаб чиқилган SF-36 сўровномаси ўтказилган. ЗБО билан касалланган беморларда когнитив бузилишлар, вегетатив асаб тизими томонидан ўзгаришлар ва шахсий-эмоционал бузилишлар таҳлил қилинган. Вегетатив бузилишларни аниқлаш мақсадида Кердо индекси ва Хильденбрандт коэффициентидан фойдаланилган. Психоэмоционал бузилишни баҳолаш мақсадида HADS ҳавотир ва депрессияни аниқлаш шкаласидан фойдаланилган. Барча гуруҳларда неврологик кўрик ўтказилиб, бош мия МРТси, ЭЭГ таҳлили, стабиллометрик текширувлар ўтказилган.

Диссертациянинг **“Зўриқишдаги бош оғриқларида клиник-неврологик, нейрофизиологик, нейровизуал ҳолат, психовегетатив ўзгаришлар ва постурал бузилишларни баҳолаш”** деб аталган учинчи бобида ЗБО мавжуд беморлар клиник-неврологик ҳолати натижалари таҳлил қилинган. ЗБО мавжуд беморларда оғриқ жойлашуви, продром ва постдром белгиларнинг баҳоланиши натижасида олинган натижалар кўрсатиб берилган. ЗБО беморларида коморбид бузилишлар ўрганилган (1-жадвал).

Тадқиқот гуруҳларида коморбид бузилишларнинг намоён бўлиши

Коморбид бузилишлар	1-гуруҳ		2-гуруҳ		χ^2 пирсон	
	abs	%	abs	%	χ^2	p
Эмоционал бузилишлар	40	55,56±5,86	31	68,89±6,9	2,063	0,151
Уйқу бузилишлари	65	90,28±3,49	26	57,78±7,36	16,923	0,000

Шундай қилиб, СЗБО беморларида коморбид бузилишлардан уйқу бузилишлари устунлик қилса, тез-тез эпизодик зўриқишдаги бош оғриқларида эмоционал бузилишлар устунлик қилган. Касалликка олиб келадиган омиллар ўрганилганда 1- гуруҳ беморларида стресс 91,67±3,26%, ноқулай жойлашув 12,5±3,9%, метеосезгирлик 12,5±3,9%, озиқ-овқат махсулотлари 1,39±1,38% сабаб бўлгани аниқланган. 2- гуруҳ беморларида стресс 86,67±5,07%, ноқулай жойлашув 15,56±5,4%, метеосезгирлик 4,44±3,07%, озиқ-овқат махсулотлари 2,22±2,2% сабаб бўлгани аниқланган.

Шундай қилиб, ҳар иккала гуруҳ беморларида касалликка олиб келувчи омиллардан стресс ва тананинг ноқулай жойлашуви сабаб бўлган. Бош оғриғига сабаб бўладиган триггер омиллар ўрганилганда 1- гуруҳ беморларида хайз цикли меъёрда 8,33±3,26%, спиртли ичимликлар қабул қилиши 15,28±4,24%, психоэмоционал стресс 97,22±1,94%, иссиқ ёки совуқ таъсири 9,72±3,49%, назал воситалар қабул қилиш 8,33±3,26%, флуоксетин қабул қилиш 22,22±4,9% ҳолатда сабаб бўлган.

2- гуруҳ беморларида беморларида хайз цикли 4,44±3,07%, спиртли ичимликлар қабул қилиши 13,33±5,07%, жисмоний зўриқиш 22,22±6,2%, психоэмоционал стресс 97,78±2,2%, иссиқ ёки совуқ таъсири 8,89±4,24%, назал воситалар қабул қилиш 8,89±4,24%, флуоксетин қабул қилиш 55,56±7,41% ҳолатда сабаб бўлган ($p < 0.05$).

Мушаклардаги таранглашув баҳоланганда 1-гуруҳ беморларида трапециясимон мушакда таранглашув кузатилмаган, тўш-ўмров-сўрғичсимон мушакда 2,78±1,94%, чакка мушагида 80,56±4,66%, бош айлана мушакларида 93,06±3%, энса-пешона мушаги 90,28±3,49%, чайнов мушаги 2,78±1,94%ни ташкил қилган. 2- гуруҳ беморларида трапециясимон мушакда таранглашув 2,22±2,2%, тўш-ўмров-сўрғичсимон мушакда 2,22±2,2%, чакка мушагида 82,22±5,7%, бош айлана мушакларида 84,44±5,4%, энса-пешона мушаги 91,11±4,24%, чайнов мушаги 6,67±3,72%ни ташкил қилган.

Бош оғриғининг кундалик фаолиятга таъсирини ўрганиш мақсадида қўлланиладиган HALT индекси тадқиқот гуруҳларида қуйидаги натижаларни берди: 1-гуруҳ беморларида даводан олдин енгил ёки тез-тез бўлмаган таъсир 2,78±1,94%, ўрта таъсир 65,28±5,61%, кучли таъсир 31,94±5,49%ни ташкил этган. 2-гуруҳ беморларида даводан олдин ўрта таъсир 64,44±7,14%, кучли таъсир 35,56±7,14%ни ташкил этган. Шундай қилиб, учинчи ва тўртинчи

босқичда бўлган беморларда медикаментоз даво чоралари қўлланилиши зарурлигини инобатга олган ҳолда барча беморларга муолажаларни бошлаш тавсия этилган. Тадқиқот гуруҳи беморларида мак-Гилл шкаласи маълумотлари қуйидаги натижаларни берди: 1-гуруҳ беморларида сенсор шкала бўйича Пульсацияланувчи оғриқлар $36,11 \pm 5,66\%$, босувчи оғриқлар $51,39 \pm 5,89\%$, қисувчи оғриқлар $12,5 \pm 3,9\%$ ни, аффектив шкала бўйича безовта қилувчи оғриқлар $52,78 \pm 5,88\%$, холдан тойдирувчи оғриқлар $40,28 \pm 5,78\%$, ваҳима чақирувчи оғриқлар $6,94 \pm 3\%$ ни, эволютив шкала бўйича кучсиз оғриқлар $33,33 \pm 5,56\%$, ўртача $55,56 \pm 5,86\%$, кучли $11,11 \pm 3,7\%$ ни ташкил этган. 2-гуруҳ беморларида сенсор шкала бўйича Пульсацияланувчи оғриқлар $33,33 \pm 7,03\%$, босувчи оғриқлар $42,22 \pm 7,36\%$, қисувчи оғриқлар $24,44 \pm 6,41\%$ ни, аффектив шкала бўйича безовта қилувчи оғриқлар $75,56 \pm 6,41\%$, холдан тойдирувчи оғриқлар $20 \pm 5,96\%$, ваҳима чақирувчи оғриқлар $4,44 \pm 3,07\%$ ни, эволютив шкала бўйича кучсиз оғриқлар $4,44 \pm 3,07\%$, ўртача $82,22 \pm 5,7\%$, кучли $13,33 \pm 5,07\%$ ни ташкил этган ($p < 0.05$).

Беморда оғриқ аффектив ва сенсор шкалалар бўйича ҳар иккала гуруҳда ўзгаришлар мавжудлиги беморлар вегетатив тизимларини текшириш лозимлигини кўрсатган.

Тадқиқот гуруҳи беморларида сурункали оғриқни қабул қилиш сўровнома (CRAQ-R) натижалари 1-гуруҳ беморларида оғриққа қарамай, ҳаётий муҳим фаолликка эришиш $39,69 \pm 0,88\%$, оғриққа тайёрлик (сурункали оғриққа адаптацияга таъсир қилмайдиган усуллардан қочиш ва назорат қилиш) $32,06 \pm 0,76\%$ ни ташкил этган бўлса, 2- гуруҳ беморларида оғриққа қарамай, ҳаётий муҳим фаолликка эришиш $34,73 \pm 1,31\%$, оғриққа тайёрлик (сурункали оғриққа адаптацияга таъсир қилмайдиган усуллардан қочиш ва назорат қилиш) $30,49 \pm 0,84\%$ ни ташкил этган.

Беморларда асосий вегетатив ўзгаришлардан тери қизариши, терлаш, бармоқлар совқотиши, юрак тез уриши ва нафас етишмовчилиги кўп кузатилган. Беморда вегетатив тизимни баҳолаш мақсадида ЮҚС сони, АҚБ, термометрия текширилган, Кердо индекси баҳоланган. 1- гуруҳ беморларида ЮҚС $77,83 \pm 1,08$, САБ $109,86 \pm 1,16$, ДАБ $71,81 \pm 0,77$, тана харорати $36,61 \pm 0,01$ градусни ташкил этган. 2- гуруҳ беморларида ЮҚС $74,84 \pm 1,55$, САБ $110,89 \pm 1,58$, ДАБ $72,67 \pm 1,07$, тана харорати $36,65 \pm 0,02$ градусни ташкил этган. Кердо индекси натижалари таҳлил қилинганда СЗБО мавжуд 1-гуруҳ беморларининг 48 (66,66%) симпатикотоник, 20 (27,77%) ваготоник, 4(5,57%) эйтония деб баҳоланган. Беморларда симпатик нервнинг тонуси ошганлиги аниқланган ($p < 0,05$).

Тез-тез зўриқишдаги бош оғриқлари мавжуд 2-гуруҳ беморлари 23(51,11)% симпатикотоник, 14(31,11)% парасимпатикотоник, 8(17,78%) эйтония эканлиги аниқланди. Беморлар вегетатив тизимидаги ўзгаришлар уларнинг психоэмоционал ҳолати ўрганилиши зарурлигини кўрсатган.

Зўриқишдаги бош оғриғи мавжуд беморларда хавотир кузатилишини инобатга олган ҳолда ҳар иккала гуруҳ беморларида хавотир ва депрессияни баҳолаш HADS шкаласидан фойдаланилган. 1- гуруҳ беморларида хавотир даражаси даводан олдин меъёрий кўрсаткичлар $27,78 \pm 5,28\%$, субклиник

хавотир $33,33 \pm 5,56\%$, юқори клиник ифодаланган хавотир $38,89 \pm 5,75\%$ ни ташкил этган. Депрессия даражаси баҳоланганда депрессия мавжуд бўлмаган ҳолатлар $26,39 \pm 5,19\%$, субклиник депрессия $25 \pm 5,1\%$, юқори клиник ифодаланган депрессия $48,61 \pm 5,89\%$ ни ташкил этган.

2-гурух беморларида хавотир даражаси даводан олдин меъёрий кўрсаткичлар $24,44 \pm 6,41\%$, субклиник хавотир $35,56 \pm 7,14\%$, юқори клиник ифодаланган хавотир $40 \pm 7,3\%$ ни ташкил этган. Депрессия даражаси баҳоланганда депрессия мавжуд бўлмаган ҳолатлар $37,78 \pm 7,23\%$, субклиник депрессия $22,22 \pm 6,2\%$, юқори клиник ифодаланган депрессия $40 \pm 7,3\%$ ни ташкил этган (2-жадвал).

2-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари беморларида HADS шкаласи бўйича хавотир ва депрессия кўрсаткичлари

HADS шкаласи хавотир ва депрессия даражасини аниқлаш		1-гурух		2-гурух	
		abs	%	abs	%
1 бўлим (хавотир даражасини аниқлаш)					
HADS шкаласи хавотир даражасини аниқлаш	0-7-норма (ишончли хавотир белгиларисиз)	20	$27,78 \pm 5,28$	11	$24,44 \pm 6,41$
	8-10-субклиник хавотир	24	$33,33 \pm 5,56$	16	$35,56 \pm 7,14$
	11 ва юқори-клиник ифодаланган хавотир	28	$38,89 \pm 5,75$	18	$40 \pm 7,3$
2 бўлим (депрессия даражасини баҳолаш)					
HADS шкаласи депрессия даражасини аниқлаш	0-7-норма (ишончли депрессия белгиларисиз)	19	$26,39 \pm 5,19$	17	$37,78 \pm 7,23$
	8-10-субклиник депрессия	18	$25 \pm 5,1$	10	$22,22 \pm 6,2$
	11 ва юқори-клиник ифодаланган депрессия	35	$48,61 \pm 5,89$	18	$40 \pm 7,3$

Шундай қилиб, хавотир ва депрессия даражаси кўрсаткичларида тадқиқот гуруҳларида сезиларли статистик тафовут аниқланмаган. Беморларда хавотир ва депрессия юқори фоиз кўрсаткичлари мавжудлиги коррекциялаш лозимлигини талаб этган. Оғриқни яққоллиги ва психоэмоционал ҳолати орасидаги корреляция ўрганилган (3-жадвал).

3-жадвал

1-гурух беморларида оғриқ яққоллиги ва психоэмоционал ҳолати орасидаги корреляцион боғлиқлик

Шкала	Психоэмоционал ҳолат	Спирмен корреляция коэффиценти (p<0,05)
ВАШ (оғриқ даражаси)	хавотир	0,313
ВАШ (оғриқ даражаси)	депрессия	0,439
ВАШ (оғриқ даражаси)	вегетатив ўзгариш	0,404

Барча параметрлар бўйича ўртача мусбат корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

2-гурух беморларида оғриқ яққоллиги ва психоэмоционал ҳолати орасидаги корреляцион боғлиқлик

Шкала	Психоэмоционал ҳолат	Спирмен корреляция коэффиценти (p<0,05)
ВАШ (оғриқ даражаси)	хавотир	0,593
ВАШ (оғриқ даражаси)	депрессия	0,528
ВАШ (оғриқ даражаси)	вегетатив ўзгариш	0,671

Сурункали зўриқишдаги бош оғриқлари кузатилган беморларда барча параметрлар бўйича ўрта ва сезиларли корреляцион алоқа аниқланган.

Постурал бузилишларни гуруҳлар орасида солиштирма баҳолаш мақсадида барча беморларда стабилOMETрик текширув ўтказилган. СтабилOMETрия оғриқ хуружлари кузатилмаган вақтда ўтказилган. 1-гурух беморларида стабилOMETрик кўрсаткичлар ўрганилган (5-жадвал).

5-жадвал

Сурункали зўриқишдаги бош оғриғи мавжуд беморларда стабилOMETрик кўрсаткичлар

синама	шкала	1-гурух беморлар			Назорат гуруҳи			p
		01	Me	03	01	Me	03	
ОК	X(мм)	-5,00	4,00	9,50	-1,50	1,50	11,50	0,603
	x(мм)	1,00	2,00	2,00	1,00	1,00	2,00	0,211
ОК	Y(мм)	-13,50	0,50	8,50	-3,50	0,00	16,00	0,862
	y(мм)	2,00	3,50	5,00	2,50	3,00	4,00	0,478
ЁК	X(мм)	-4,00	2,50	6,00	-3,00	3,00	10,50	0,498
	x(мм)	1,00	1,00	2,00	0,50	1,00	1,00	0,131
ЁК	Y(мм)	-14,50	5,50	13,50	-11,50	-2,00	15,00	1,000
	y(мм)	2,00	3,50	5,00	2,00	3,00	4,00	0,887

Изоҳ: ОК-очиқ кўзда Ромберг синамаси, ЁК-ёпиқ кўзда Ромберг синамаси, X(м)- босим марказининг нисбий фронтал текисликда абсолют жойлашуви, x(мм)- босим марказининг фронтал текисликда ўрта жойлашувдан оғиш (ўнг-чап), Y(мм)- сагитал текисликда босим марказининг абсолют жойлашуви, Y(мм)- босим марказининг сагитал текисликда ўрта жойлашувдан оғиши (олд-орқа)

Тез-тез эпизодик зўриқишдаги бош оғриқлари кузатилган беморларда барча параметрлар бўйича ўрта ва сезиларли корреляцион алоқа аниқланган. Постурал бузилишларни гуруҳлар орасида солиштирма баҳолаш мақсадида барча беморларда стабиллометрик текширув ўтказилган. Стабиллометрия оғриқ хуружлари кузатилмаган вақтда ўтказилган. 2-гуруҳ беморларида стабиллометрик кўрсаткичлар ўрганилган (6-жадвал).

6-жадвал

Тез-тез эпизодик бош оғриғи мавжуд беморларда стабиллометрик кўрсаткичлар

синама	шкала	2-гуруҳ беморлар			Назорат гуруҳи			p
		01	Me	03	01	Me	03	
ОК	X(мм)	-5,50	0,00	5,50	-1,50	1,50	11,50	0,151
	x(мм)	1,00	2,00	2,00	1,00	1,00	2,00	0,227
ОК	У(мм)	-9,00	1,50	13,00	-3,50	0,00	16,00	0,956
	y(мм)	2,50	4,00	5,00	2,50	3,00	4,00	0,342
ЁК	X(мм)	-6,00	0,00	6,50	-3,00	3,00	10,50	0,134
	x(мм)	1,00	1,00	1,00	0,50	1,00	1,00	0,205
ЁК	У(мм)	-5,50	2,00	11,50	-11,50	-2,00	15,00	0,340
	y(мм)	2,00	3,00	4,00	2,00	3,00	4,00	0,974

Тадқиқот гуруҳи беморлари ва назорат гуруҳидаги соғлом инсонлар стабиллометрик текширув натижалари орасида ишончли статистик фарқ аниқланмаган. Ёпиқ кўз билан Ромберг ҳолатида турганда сагитал текисликда оғиш СЗБО мавжуд беморларда тез-тез эпизодик зўриқишдаги бош оғриқ мавжуд беморларга нисбатан юқорида намоён бўлган. Шунингдек, чиқ кўз билан сагитал текисликда босим марказидан оғиш ҳам СЗБО беморларида кучлироқ намоён бўлган (7-жадвал).

7-жадвал

Стабиллометрия ва психовегетатив ўзгаришлар орасидаги корреляция

Корреляция белгиси-1	Психоэмоционал ҳолат	Спирмен корреляция коэффиценти ($p < 0,05$)
ОК x(мм)	хавотир	0,323
ОК y(мм)	депрессия	0,484
ЁК x(мм)	хавотир	0,565
ЁК y(мм)	депрессия	0,479

Стабилометрия ва психовегетатив ўзгаришлар орасида корреляция ўрганилганда ўрта мусбат корреляцион алоқа мавжудлиги аниқланган.

